



**КЛУБЛАРНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ
РЕГЛАМЕНТИ**

UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE

Мазкур Регламент (бундан буён — Регламент) Ўзбекистон футбол ассоциацияси Ижроия қўмитаси Бюросининг 2021 йил 14 майдаги йиғилишида маъқулланган. Ушбу Регламент Ўзбекистонда футбол клубларини лицензиялаш шартлари ва низомларини белгиловчи, ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎзПФЛ уставлари ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатдир.



UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE

1-боб. Муқаддима.....	6
2-боб. Мақсадлар.....	6
3-боб. Клубларни лицензиялаш мезонлари.....	7
4-боб. Лицензиар.....	7
5-боб. Лицензиялаш маъмурияти.....	8
6-боб. Қарор қабул қилувчи органлар.....	8
7-боб. Санкциялар рўйхати.....	10
8-боб. Асосий жараён.....	11
9-боб. Лицензия талабгори ва икки йиллик қоида.....	11
10-боб. Лицензия талабгорининг мажбуриятлари.....	12
11-боб. Лицензия.....	12
12-боб. Навбатдан ташқари ариза.....	13
13-боб. Спорт мезони.....	13
14-боб. Инфратузилма мезони.....	17
15-боб. Ходимлар ва маъмурият мезони.....	20
16-боб. Юридик мезон.....	26
17-боб. Молиявий мезон.....	29
18-боб. ОФК аёллар чемпионлар лигаси учун клубларни лицензиялаш мезонлари.....	36
19-боб. Якуний қоидалар	42



UZBEKISTAN

 PROFESSIONAL FOOTBALL

 LEAGUE

Атамалар ва таърифлар

ФИФА	Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси
ОФК	Осиё футбол конфедерацияси
ЎФА	Ўзбекистон футбол ассоциацияси
ЎзПФЛ	Ўзбекистон профессионал футбол лигаси
Лицензия	Лицензиар томонидан Лицензия талабгорига Клубларни Лицензиялаш мезонларининг минимал талабларини бажарганлик учун тақдим этилган ҳамда ОФК ва ЎзПФЛ лигаларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи сертификат
Лицензиар	Клубларни лицензиялаш жараёни билан шуғулланувчи ҳамда ушбу Регламентга мувофиқ ҳолда Лицензияларни тақдим этувчи орган
Лицензия талабгори	Лицензияга даъвогарлик қилувчи футбол жамоасининг миллий ва халқаро мусобақаларда қатнашиши учун тўлиқ жавобгар бўлган юридик шахс
Лицензиат	Лицензиар томонидан Лицензия тақдим этилган Лицензия талабгори
Лицензиялаш маъмурияти	Лицензиарнинг клубларни лицензияда жараёнидан ўтказиш билан шуғулланувчи ишчи гуруҳ
CLAS	ОФК томонидан Лицензия талабгорлари, Лицензиардан маълумотларни олиш ва Лицензиатлар билан тегишли клубларга Регламентдан фойдаланиш, баҳолаш ва жараённи тартибга солиш мақсадида маълумотларни тақдим этиш учун ишлаб чиқилган ИТ тизими
Клубларни лицензиялаш мезонлари	Ушбу Регламент билан тасдиқланган, Лицензияларни бажариши шарт бўлган талаблар (улар бешта тоифага бўлинади: спорт, инфратузилма, ходимлар ва маъмурий, юридик ва молиявий)

Ҳисобот берувчи ташкилот	Лицензия олиш учун Лицензиарга ўрнатилган тартибда умумий ва молиявий ҳисобот топширувчи ташкилот
Йиллик молиявий ҳисоботлар	Муайян якуний санага тузилган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами, у одатда кирим-чиқим, даромад ва камомад ҳисоби, нақд пул оқимлари ва қимматли қоғозларнинг ҳисоботи, бошқа ҳисоботлар ва молиявий ҳисоботларнинг ажралмас қисми ҳисобланган тушунтиришларни ўз ичига олади
Аудит	Тақдим этилаидган молиявий ҳисоботларнинг барча жиҳатлар бўйича белгиланган шаклда тайёрланишига эришиш учун ташкилот молиявий ва хўжалик фаолиятини аудиторлик ташкилот томонидан текширувдан ўтказилиши
Муайян якуний сана	Ҳисобот берувчи ташкилотнинг йиллик бухгалтерия маълумотларини тақдим этиш санаси
Юқори Иқтисодий аҳамиятга эга ҳодиса	Ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботларига таъсири бўладиган, олдинги молиявий йил якунлангач ёки оралиқ даврда содир бўладиган юқори иқтисодий аҳамиятга эга ҳодиса ёки ҳолат
Молиявий йил	Маълумот тақдим этишнинг муайян якуний санада тугайдиган молиявий даври. У календар йилига тўғри келиши ҳам келмаслиги ҳам мумкин ва оралиқ давр, деб ҳисобланмайди
Келгуси молиявий ахборот	Ташкилот билан боғлиқ келгуси ҳодисалар ва эҳтимолий воқеаларнинг келгусидаги молиявий таъсири тўғрисидаги ахборот
Оралиқ молиявий ҳисоботлар	Оралиқ даврдаги молиявий ҳисоботларнинг тўпламидан иборат бўлган молиявий ахборот
Кейинги ҳодисалар	Лиценциялаш қароридан сўнг содир бўлган воқеа ёки ҳодисалар

1-боб. Муқаддима

1.1. Мазкур Регламент Осиё футбол конфедерациясининг Клубларни лицензиялаш қоидалари мажмуйи асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Регламент Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси байроғи остида ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этувчи профессионал футбол клублари иштирокидаги лицензиялаш жараёнини тартибга солади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- лицензия талабгори томонидан бажарилиши лозим бўлган минимал талабларни ҳамда асосий жараён давомида баҳоланиши лозим бўлган минимал мезонларни;
- лицензия талабгорига ЎзПФЛ ва ОФК клублар мусобақаларида иштирок этиш учун лицензия беришни ёки бермасликни;
- ЎзПФЛ ва ОФК клублар мусобақаларида қатнашиш мақсадида лицензия олиш учун минимал даражадаги спорт, инфратузилма, ходимлар ва клуб маъмуриятига оид, юридик ва молиявий мезонларни.

2-боб. Мақсадлар

2.1. Клубларни лицензиялаш тизими доимий ривожланиб боришни таъминлаш учун яратилган асосдир.

2.2. Ушбу Регламент қуйидаги мақсадларга эриш учун қаратилган:

- ЎзПФЛ ва ОФК клублари мусобақалари обрўси ҳамда яхлитлигини ҳимоя қилиш учун;
- футбол клубларининг спорт, инфратузилма, ходимлар ва маъмурий, юридик ҳамда молиявий мезонлар бўйича ривожланишини таъминлаш;
- Ўзбекистон футбол стандартларини доимий равишда такомиллаштириш ҳамда ҳар бир футбол клубида ёш ўйинчиларни тайёрлаш ва ўқитишни устувор вазифа қилиб белгилаш;
- футбол клубларида бошқарув ва ишни ташкил этиш даражасини ошириш;
- футбол клубларининг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини ошириш, уларнинг фаолиятида шаффофликни таъминлаш, клублар обрўсини мустаҳкамлаш, кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалаларга эътибор бериш ва клубларнинг ўз ходимлари, ижтимоий/солиқ ташкилотлари ва бошқа клублар олдидаги қарздорликларини тўлиқ баратарф этишларини таъминлаш;

- футбол клубларининг спорт инфратузилмасини (айниқса стадионларни) мухлислар ва ОАВ ходимларининг ташриф буюриши учун қулай, хавфсиз ҳамда замонавий қилиб жиҳозлаш, мослаштириш.

3-боб. Клубларни лицензиялаш мезонлари

3.1. ЎзПФЛ ва ОФК мусобақаларида иштирок этиш учун клублар ҳар келгуси футбол мавсуми олдидан лицензиялаш жараёнидан ўтишлари керак.

3.2. Ушбу Регламентда кўрсатилган бандлар 3 (уч) мезон асосида тартибга солинади. Ушбу мезонлар ОФК ва ФИФАнинг клубларни лицензиялаш қоидаларига тўла мос келади ва “А”, “В” ҳамда “С” тоифаларга бўлинади:

- **А – МАЖБУРИЙ ГРАДАЦИЯ**

Лицензия талабгори томонидан бажарилиши мажбурий бўлган мезон. Агар Лицензия талабгори А градация этиб белгиланган мезонларидан бирортасини бажара олмаса, унга ЎзПФЛ ёки ОФК клублар миқёсидаги мусобақаларида қатнашиш учун Лицензия тақдим этилмайди.

- **В – МАЖБУРИЙ ГРАДАЦИЯ**

Агар Лицензия талабгори В градация этиб белгиланган мезонларидан бирортасини бажара олмаса, ушбу мезонни бажармаганлик учун Лицензиар томонидан белгиланган тартибда санкцияга тортилади, лекин Лицензия талабгори ЎзПФЛ ёки ОФК клублар миқёсидаги мусобақаларида қатнашиш учун Лицензияга эга бўлиши мумкин.

- **С – ТАЖРИБА ГРАДАЦИЯСИ**

Лицензия талабгори томонидан бажарилиши мажбурий бўлмаган, лекин бажариш тавсия этиладиган градацияга эга мезонлар.

3.3. Клубларни лицензиялаш жараёни бошланадиган сана тўғрисида ЎзПФЛнинг Клубларни лицензиялаш бўлими футбол клубларига расмий хат орқали хабар беради.

4-боб. Лицензиар

4.1. ЎФА ОФК аъзоси сифатида Лицензиар ҳисобланади ва клубларни лицензиялаш тизимини назорат қилади. ЎФА, шунингдек, лицензиялаш бўйича маъмурий ва бошқарув органларини тайинлайди.

4.2. Лицензиар клубларни лицензиялаш жараёнини мувофиқлаштиришда ОФКнинг талабига асосан AFC CLAS тизимидан фойдаланади.

4.3. Лицензиар жараённи тартибга солиш учун қуйидагиларни амалга оширади:

- ЎзПФЛ қошида Лицензиялаш маъмуриятини шакллантиради;

- камида 2 та қарор қабул қилиш органларини шакллантиради;
- санкциялар рўйхатини шакллантиради;

4.4. Лицензиар лицензиялаш жараёнида лицензия талабгори томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги молиявий маълумотлар махфий сақланишига кафолат беради.

5-боб. Лицензиялаш маъмурияти

5.1. ЎзПФЛнинг Клубларни лицензиялаш бўлими лицензиялаш тизимидаги ишчи орган ҳисобланади. Клубларни лицензиялаш бўлими бошлиғи Лицензиялаш менежери сифатида ЎФА ва ОФКнинг тегишли органларига ҳисобот беради.

5.2. ЎзПФЛнинг Клубларни лицензиялаш бўлими вакиллари амалдаги мезонларни кўриб чиқиши, регламентга тегишли тузатишлар бўйича таклиф тақдим этиши ёки ЎФА Ижроия қўмитасига қайта кўриб чиқиш таклифини бериш ҳуқуқига эга.

5.3. Лицензиялаш маъмуриятининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- клубларни лицензиялаш тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва ривожлантириш;
- Лицензия талабгорларининг CLAS тизимидан фойдаланишларида амалий кўмак кўрсатиш;
- Қарор қабул қилиш органларини маъмурий қўллаб-қувватлаш ва уларни сўралган маълумотлар билан таъминлаш;
- Лицензиатларга Лицензия мавсуми давомида ёрдам бериш, кўмаклашиш ва назорат қилиш;
- ОФКни Лицензиар томонидан олдиндан тақдим этилган, маълумотлардаги сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлувчи, лицензиялаш қароридан кейин содир бўлган ҳар қандай ҳодисалар юзасидан хабардор этиш;
- ОФК ва унга аъзо давлатларнинг лицензиялаш бўлимлари билан тажриба алмашиш мақсадида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

5.4. Лицензиялаш Маъмурияти таркибида молиявий билим ва тегишли органлар томонидан тан олинган бухгалтерия/аудит бўйича дипломга эга камида битта ходим ёки ташқи молиявий маслаҳатчи ёки юқоридаги масалалар бўйича бир неча йиллик тажрибага эга ходим фаолият олиб бориши лозим.

6-боб. Қарор қабул қилувчи органлар

6.1. ЎФА Ижроия қўмитаси томонидан тузиладиган Лицензиялаш қўмитаси ва Лицензиялаш бўйича апелляция қўмитаси Қарор қабул қилувчи органлар ҳисобланади. Ушбу органлар ўзаро бир-биридан мустақил тарзда иш олиб боради.

6.2. Лицензиялаш қўмитаси Лицензиар томонидан белгиланган муддатда ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосланган ҳолда Лицензия бериш ёки бермасликни ва Лицензиялаш менежерининг тақдимномаси асосида Лицензияни бекор қилиш ёки қилмасликни ҳал қилади.

6.3. Лицензиялаш бўйича апелляция қўмитаси шикоятлар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда Лицензия бериш ёки бермасликни ҳал қилади.

6.4. Шикоятлар фақат қуйидагилар ҳолатлардагина берилиши мумкин:

а) Лицензия талабгори Лицензиялаш қўмитасидан рад жавобини олса ва бундан қониқмаса;

б) Лицензиатнинг Лицензияси Лицензиялаш қўмитаси томонидан бекор қилинса; ёки

с) айрим ҳолларда Лицензиар/Лицензиялаш менежерининг мурожаати асосида.

6.5. Лицензиялаш бўйича апелляция қўмитаси ўз қарорини фақат Лицензиялаш қўмитасининг қарори асосида ҳамда Лицензия талабгори ёки Лицензиарнинг Лицензиялаш қўмитасига тақдим этган далиллари/ҳужжатлари асосидагина чиқариши мумкин. Бунда шикоят аризаси олдиндан белгиланган муддатгача тақдим этилиши зарур.

6.6. Қарор қабул қилувчи органларнинг аъзолари ЎФА уставига мувофиқ ЎФА Ижроия қўмитаси томонидан сайланиши ёки тайинланиши мумкин ва улар қуйидаги мажбуриятларга эга:

а) Лицензия талабгори ва Қарор қабул қилувчи органлар аъзолари орасида манфаатли боғлиқлик (масалан, қариндошчилик, ҳамкорлик) бўлса, Қарор қабул қилувчи органнинг ўша аъзоси айнан шу лицензия талабгорига нисбатан ўтказилаётган овоз бериш жараёнида иштирок этишдан тийилиши керак;

б) бир вақтнинг ўзида Лицензиялаш менежери сифатида иш олиб бормаслиги керак;

с) бир вақтнинг ўзида ЎФА ёки ЎзПФЛ ижро органига тегишли бўлмаслиги керак;

д) футбол клубининг бошқарув маъмуриятига тегишли бўлмаслиги керак;

6.7. ЎФА Ижроия қўмитаси бюроси Қарор қабул қилувчи органлар аъзоларини 2 йил муддатга тайинлайди ёки сайлайди. Аъзолар биринчи муддат якунига етгач, қайтадан яна 2 йилга тайинланиши ёки сайланиши мумкин.

6.8. Қарор қабул қилувчи органларнинг таркиби камида уч (3) нафар аъзодан иборат бўлиши керак. Овозлар тенг келган ҳолатда раиснинг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

6.9. Қарор қабул қилувчи органлар таркибида камида 1(бир) нафардан малакали юрист ва дипломга эга ҳисобчи бўлиши керак.

6.10. Қарор қабул қилувчи органлар адолат тамойиллари асосида фаолият олиб бориши ҳамда қуйидаги стандартларни тартибга солиши лозим:

а) муддатлар (масалан, ҳужжатларни топшириш муддатлари, шикоятлар учун муддатлар ва ҳоказо)ни белгилаш;

б) барчага бир хил муносабатда бўлиш тамойилларига риоя қилиш;

с) Лицензия талабгоридан сўраладиган далил ва ҳужжатларнинг тартибини белгилаш;

д) Лицензия бериш ёки рад этиш бўйича қарорлар юзасидан сабаблар кўрсатилган ҳолда ёзма изоҳ бериш.

7-боб. Санкциялар рўйхати

7.1. Лицензия учун даъвогар бўлган футбол клублари ҳамда Лицензия олган клублар томонидан мазкур Регламентга амал қилинмаган тақдирда Лицензиялаш қўмитаси футбол клубига нисбатан турли даражада санкциялар қўллаши мумкин.

7.2. Агар Лицензия талабгори ҳужжатларини тақдим этишда белгиланган муддатларга амал қилмаса, мазкур Регламентда белгиланган талабларга жавоб бермаса, Лицензия талабгори томонидан лицензиялаш жараёнида ёлғон маълумот тақдим этилса, ЎзПФЛнинг Клубларни лицензиялаш бўлими томонидан Лицензия бериш масаласи бўйича бериладиган топшириқлар Лицензия талабгори/Лицензиат тарафидан ўрнатилган тартибда амалга оширилмаса қуйидаги санкциялар кучга кириши мумкин:

- огоҳлантириш;
- камчиликларни бартараф этиш учун шартли муддат белгилаш;
- пул жаримаси;
- қўшимча ҳужжат тақдим этиш мажбурияти;
- қўшимча талабларни бажариш мажбурияти;
- янги ўйинчиларни рўйхатдан ўтказишга тақиқ;
- легионер футболчиларни рўйхатдан ўтказишга тақиқ;
- ўз майдонида ўйинлар ўтказа олмаслик;
- ўй учрашувини мухлисларсиз ўтказиш;
- техник мағлубият бериш;
- очколардан маҳрум қилиш;

- қуйи лигага тушириб юбориш.

7.3. Санкциялар юзасидан Лицензия талабгори ёки Лицензиат Лицензиялаш бўйича апелляция қўмитасига шикоят қилиши мумкин.

7.4. Лицензиялаш бўйича апелляция қўмитасининг Лицензия талабгори ёки Лицензия эгасига нисбатан чиқарган ҳукми якуний ҳисобланади ва қайта эътирозга ўрин қолдирмайди.

8-боб. Асосий жараён

8.1. Асосий жараён ушбу Регламентда келтирилган ва Лицензия талабгорига Лицензия бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган, Лицензиар томонидан назорат қилиниши керак бўлган минимал талаблар рўйхатини текширишни ўз ичига олади.

8.2. Лицензиар асосий жараённи олиб бориш пайтида барча Лицензия талабгорлари ва Лицензиатларга бир хил муносабатда бўлиши шарт.

8.3. Лицензиялаш жараёни аввалида Лицензиялаш маъмурияти клубларга асосий жараён дастури, жадвали ва муддатлари ҳақида маълумот юборади.

8.4. Асосий жараён Лицензиар томонидан белгиланган вақтда бошланади ва Лицензиялаш қўмитаси қарори ОФКга тақдим этилган вақтда якунланади.

8.5. Лицензиялашнинг асосий жараёни дастури қуйидаги кетма-кетликдан иборат бўлади:

- лицензиялаш ҳужжатлари тўпламини Лицензия талабгорларга тарқатиш;
- Лицензия талабгори томонидан лицензиялаш мезонларига жавоб беришини исботлаш учун ҳужжатларни Лицензиарга топширилиши;
- Ҳужжатларнинг Лицензиялаш Маъмурияти томонидан баҳоланиши (ташриф, суҳбат, ўрганиш ва ҳоказолар);
- Ҳужжатларнинг Қарор қабул қилувчи органлар томонидан баҳоланиши ва қарор қабул қилиниши;
- Лицензиялаш Қарорлари натижаларини эълон қилиш ва бу ҳақда ОФКга маълумот бериш.

9-боб. Лицензия талабгори ва икки йиллик қоида

9.1. Фақатгина футбол клуби ёки айрим ҳолларда миллий ва халқаро мусобақаларда иштирок этаётган футбол жамоаси учун тўлиқ жавобгар бўлган юридик шахс Лицензия талабгори бўла олади, бунда:

а) у ЎФА ёки ЎзПФЛнинг рўйхатдан ўтган аъзоси ёки қатнашчиси бўлиши ва ЎзПФЛ мусобақаларида иштирок этиши лозим; ёхуд

б) у ЎФА ёки ЎзПФЛнинг рўйхатдан ўтган аъзоси ёки қатнашчиси билан шартномавий муносабатларга эга футбол компанияси бўлиши лозим.

9.2. Лицензия талабгорининг ЎФА ёки ЎзПФЛда рўйхатдан ўтган аъзолик ёки қатнашчилик муддати Лицензиялаш жараёни бошланаётган пайтда энг камида узлуксиз икки йил давом этган бўлиши шарт.

9.3. Асосий жараён мобайнида мусобақа яхлитлигига дахл қилиш ёки Лицензия талабгорининг бирор мусобақага спорт тамойиллари асосида йўл олишини осонлаштириш мақсадида Лицензия олиш учун Лицензия талабгорининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, тузилмаси (бошқа ташкилот билан бирлашиши ёки футбол фаолиятининг бошқа ташкилотга ўтказилиши) ёки рамзлари (шу жумладан қароргоҳи, номи ва ранглари) нинг ўзгартирилиши – аъзолик ёки шартномавий муносабатларнинг бузилиши ҳисобланади.

9.4. Лицензия талабгори номидан Клубнинг лицензиялаш бўйича менежери Лицензиялаш маъмурияти билан муносабатларга киришади. Асосий жараён бошланиши олдидан Лицензия талабгорининг бош директори, Клубнинг лицензиялаш бўйича менежери ва бухгалтери Лицензиарга нотўғри маълумот бермаслик, барча зарур ҳужжат ва далилларни ўз вақтида ҳамда керакли шаклда тақдим этиш бўйича Декларация имзолаб топширади.

10-боб. Лицензия талабгорининг мажбуриятлари

10.1. Лицензия талабгори Лицензиарни қўйидагилар билан таъминлаши зарур:

- Лицензиялаш мажбуриятларининг тўлиқ бажарилганини тасдиқловчи барча зарур маълумотлар ва тегишли ҳужжатлар; ва
- Лицензиар томонидан Лицензия бўйича қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатувчи бошқа ҳар қандай ҳужжатлар.

10.2. Лицензия талабгори томонидан Лицензиарга тақдим этиладиган ҳужжатлар спорт, инфратузилма, ходимлар ва маъмурий, юридик ҳамда молиявий маълумотларни ўз ичига олади.

10.3. Лицензиялаш ҳужжатлари Лицензиарга тақдим этилгандан кейин жиддий ўзгаришга сабаб бўлувчи ҳар қандай ҳодиса юз берса, айниқса Лицензия талабгорининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки тузилмаси ўзгарса ва олдинроқ Лицензиарга тақдим этилган маълумотлардан сезиларли фарқ қилса, ўзгариш бўлгани юзасидан зудлик билан Лицензиарга хабар берилиши зарур.

11-боб. Лицензия

11.1. Лицензиар Лицензия талабгориға Лицензия тақдим этганидан сўнг, талабгор лицензия эгасига – Лицензиатга айланади.

11.2. ОФК ва ЎзПФЛ мусобақаларида (ярим профессионал футбол клублари бундан мустасно) иштирок этиш учун футбол клуби спорт тамойиллари бўйича йўлланмани қўлга киритиши билан бир қаторда ушбу Регламент асосида Лицензия ҳам олиши зарур.

11.3. Лицензия фақатгина тақдим этилган мавсумининг якунига қадар амал қилади.

11.4. Лицензияни бошқа шахсга бериш мумкин эмас.

11.5. Лицензия қўйидаги ҳолларда ОФК ёки ЎФАнинг Қарор қабул қилувчи органлари томонидан бекор қилиниши мумкин:

а) Лицензия берилиши учун талаб этилган шартларнинг бирортаси бажарилмаса; ёки

б) Лицензиат ушбу Регламентда белгиланган мажбуриятларнинг бирортасини бузса.

11.6. Агар Лицензиар ОФК мусобақасида қатнашадиган футбол клуби Лицензиясини бекор қилса, зудлик билан бу ҳақда ОФКни хабардор қилади. Клубни ОФК мусобақасидан четлатиш ҳақидаги ҳар қандай қарор эса ОФКнинг тегишли ҳуқуқий органлари томонидан қабул қилинади.

12-боб. Навбатдан ташқари ариза

12.1. Агар футбол клуби спорт тамойиллари асосида ОФК клублар мусобақасига йўл олса, лекин лицензиялаш жараёнидан умуман ўтмаган бўлса ёки ўша мусобақада қатнашиш имконини берувчи Лицензиядан даражаси пастроқ Лицензияга эга бўлса, Лицензиар ушбу клуб номидан ОФК клубларни лицензиялаш қоидалари 4-иловасига мувофиқ ОФКга навбатдан ташқари ариза бериши мумкин.

12.2. Навбатдан ташқари аризага асосан клубга ОФК тегишли мусобақада иштирок этишга шартли равишда рухсат бериши мумкин. Бундай навбатдан ташқари ариза фақатгина ушбу бандга мос келадиган клуб ва тегишли мавсум учун амал қилади. Бу борадаги якуний қарор ОФКнинг тегишли ҳуқуқий органлари томонидан қабул қилинади.

13-боб. Спорт мезони

S.01	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Ёшлар футболни ривожлантириш дастури	А	А

1. Лицензия талабгори Лицензиар томонидан тасдиқланган ёзма шаклдаги ёшлар футболни ривожлантириш бўйича дастурга эга бўлиши лозим. Лицензиар уни мавжуд норматив ҳужжат асосида баҳолайди ва тасдиқлайди, шунингдек даврий равишда машғулотлар ҳамда ўйинларга ташрифлар орқали дастурнинг амалиётга татбиқини назорат қилади.

2. Дастур энг камида қуйидаги соҳаларни қамраб олиши зарур:

а) Мақсадлар, ёшларнинг ўйин фалсафаси ва ёшларни ривожлантириш фалсафаси;

б) Ёшлар секторининг ташкил этилиши (таркибий тузилмаси, алоқадор бўлим ва бўлинмалар, ёшлар жамоалари ва ҳоказо);

с) Ходимлар (техник, тиббий, маъмурий, ва ҳоказо) учун талаб қилинадиган минимал мутахассислик талаблари;

д) Ёшлар сектори учун ажратилган инфраструктура объектлари (машғулот ва ўйинлар ўтказиладиган объектлар ва ҳоказо);

е) Молиявий манбаалар (Бюджет, Лицензия талабгори, ўйинчилар ва маҳаллий маъмурият томонидан ажратиладиган кўмак ва ҳоказо);

ф) Турли ёш тоифалари гуруҳлари учун футбол таълими дастури (психологик, техник, тактик ва жисмоний);

г) Таълим дастурлари (ўйин қоидалари, анти-допинг, келишилган ўйинларга қарши кураш, ирқчиликка қаршилик);

ҳ) Ёш ўйинчиларни тиббий қарови (тиббий текширувларни қамраб олган ҳолда);

и) Ёшларнинг индивидуал намоёишларини баҳоланиши;

ж) Эришилган ютуқ ва натижаларни баҳолаш жараёни;

к) Дастурнинг амал қилиш муддати (камида уч йилдан – кўпи билан етти (7) йилгача).

3. Лицензия талабгори қуйидагиларни таъминлаши шарт:

а) Ёшлар футболни ривожлантириш дастурига алоқадор ҳар бир ёш ўйинчининг миллий қонунчилик билан белгилаб қўйилган мажбурий умумий мактаб таълими олиши;

б) Ёшлар футболни ривожлантириш дастурига алоқадор ҳеч бир ёш ўйинчи футболдан ташқари таълимни тўхтатиб қўйиш учун мажбурланмаслиги.

S.02	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Ёшлар жамоалари	A	A

1. Лицензия талабгори ўз тузилмасида ёки бир юридик доирадаги бошқа ташкилотда энг камида қуйидаги ёш тоифасидаги жамоаларга эга бўлиши зарур:

- a) 15 ёшдан 21 ёшгача бўлган оралиқда камида иккита ёшлар жамоалари;
- b) 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган оралиқда камида битта ёшлар жамоаси;
- c) камида битта 10 ёшдан кичик тоифадаги жамоа;
- d) 10 ёшдан кичик тоифадаги жамоадан ташқари қолган барча ёшлар жамоалари ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган миллий миқёсдаги расмий мусобақаларда иштирок этиши шарт.

S.03	ОФК	ЎФА/ЎзПФЛ
Ўйинчиларнинг тиббий текшируви	А	А

1. Лицензия талабгори рўйхатдан ўтган барча ўйинчиларнинг тиббий хизмат билан таъминланишини кафолатлаши лозим.

Бу ўз ичига камида қуйидаги шартларни қамраб олади:

- a) Асосий таркибнинг ҳар бир ўйинчиси учун юрак қон-томир скринингини қамраб олган ҳар йилги тиббий текширув;
- b) 12 ёшдан юқори барча ўйинчилар учун йиллик тиббий текширув;
- c) шартномаси мавжуд барча ўйинчилар учун туббий суғурта таъминоти.

S.04	ОФК	ЎФА/ЎзПФЛ
Таълим дастурлари	А	А

1. Лицензия талабгори камида асосий таркибининг барча ўйинчилари ва мураббийлар штаби вакилларининг қуйидаги мавзуларга бағишланган семинар, йиғилиш, тадбир ёки тақдимотларда қатнашишини таъминлаши зарур:

- a) Спорт яхлитлиги, келишилган ўйинларга қарши курашиш масалалари;
- b) ФИФА Ўйин қоидалари;
- c) допинг назорати;
- d) ОФК, ЎФА ҳамда ЎзПФЛ томонидан тақдим этиладиган бошқа мавзулар.

2. Бундай тадбир ёки тақдимотлар Лицензия талабгори, ЎФА ёки ЎзПФЛ томонидан, шунингдек айрим ҳолатларда учинчи томон билан ўзаро ҳамкорликда Лицензия тақдим этиладиган мавсумдан олдинги йил давомида ўтказилиши лозим.

S.05	ОФК	ЎФА/ЎзПФЛ
------	-----	-----------

Футболчиларни рўйхатдан ўтказиш	В	А
--	----------	----------

1. Лицензия талабгорининг 10 ёшдан юқори бўлган барча футболчилари ФИФАнинг Футболчилар мақоми ва трансфери бўйича регламенти қоидаларига мувофиқ ЎзПФЛда рўйхатдан ўтказилиши шарт.

S.06	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Ирқий тенглик амалиёти	В	В

1. Лицензия талабгори футболда ирқчиликка йўл қўймаслик бўйича қоидалар тартибидан иборат ички меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиши ва Лицензия талабгорининг барча ўйинчилари ва ходимлари ушбу ҳужжатларни имзолаш орқали мазкур қоидалар билан танишиб чиққанини тасдиқлаши зарур.

S.07	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Оммавий дастурлар	В	В

1. Оммавий тадбирлар асосан болалар, хаваскорлар, кексалар ва фахрийлар, шунингдек ақлан ва жисмонан чекланган имкониятга эга кишилар учун ташкил этилиши лозим.

2. Лицензия талабгорининг оммавий футбол дастурлари асосий мақсади – жамиятнинг турли қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг футболга бўлган қизиқишини орттириш, уларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

S.08	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Болалар ҳимояси ва ижтимоий муҳофаза	С	С

1. Лицензия талабгори тегишли норматив ҳужжатлар ва қўлланмаларга асосан болаларни ташкил этиладиган тадбирларда иштирок этиш жараёнида ўзларини яхши ҳис этишлари учун барча шарт-шароитларни таъминлаши, уларни эҳтимолий ҳақоратлардан, тажовуз ва зўравонликдан ҳимоя қилиши зарур. Лицензия талабгори болаларни ҳимоя қилиш бўйича норматив ҳужжат эга бўлиши, маҳаллий болаларни ҳимоя қилиш муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши ва ўз маъмуриятида бундай тадбирларни амалга ошириш учун масъул ходимга эга бўлиши зарур.

S.09	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Аёллар жамоаси	С	В

1. Лицензия талабгори ўз тузилмасида камида битта аёллар жамоасига эга бўлиши лозим.

2. Аёллар жамоаси ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган расмий мусобақаларда иштирок этиши шарт.

S.10	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Жамоатчилик билан ишлаш бўйича дастурлар	С	В

1. Лицензия талабгори клуб бренди ҳамда футбол тарғиботига оид турли лойиҳа ҳамда ташаббусларни амалга ошириши, бу орқали жамоатчиликка янада яқинлашиб бориши лозим.

2. Бу борада ФИФА, ОФК, ЎФА ҳамда ЎзПФЛ томонидан илгари суриладиган жамоатчилик билан ишлашга доир лойиҳалар ҳам қўллаб-қувватланиши мақсадга мувофиқдир.

3. Бундай дастурлар футбол клубини жамоатчилик билан янада яқинлаштиради ва қуйидаги жараёнларни амалга оширишга имкон беради:

а) Ишқибозлар сонини кўпайтириш, фан-клуб ташкил этиш ва уни кенгайтириш;

б) Кўнгилли волонтерлар гуруҳини ташкил этиш;

с) Жамоатчилик билан алоқаларни янада яхшилаш;

д) Брендинг, мерчендайзинг, ҳомийлар ва тижорий ҳамкорлар билан ишлаш учун зарур шарт-шароитни яратиш

S.11	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Клуб академияси	С	В

1. Лицензия талабгори ОФКнинг Элит ёшлар тузилмалари бўйича Регламентда кўрсатилган инфратузилма ва шарт-шароитларга эга бўлган ёшлар академиясига эга бўлиши зарур.

14-боб. Инфратузилма мезони

I.01	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Мусобақаларни ўтказиш учун тасдиқланган стадион	А	А

1. Лицензия талабгори ЎзПФЛ ҳамда ОФК мусобақалари доирасидаги уй учрашувларини ўтказиш учун стадионга эга бўлиши зарур. Лицензия талабгори:

а) ўз стадионига эга бўлиши лозим; ёки
 б) стадион эгаси билан ундан фойдаланиш бўйича шартномага эга бўлишлари зарур. Ушбу шартнома келгуси мавсумда ҳам Лицензия талабгорининг стадиондан фойдаланишини кафолатлаши зарур.

2. Стадион қуйидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб бериши лозим:

- а) Стадионлар тўғрисидаги Низом;
- б) Мусобақалар Регламенти.

3. Стадион мавсум олдидан ЎзПФЛ томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиши ва Лицензия талабгори шарафини ҳимоя қилувчи шаҳарда жойлашган бўлиши лозим.

I.02	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Стадионнинг хавфсизлик сертификати	А	А

1. Стадион футбол учрашувларини қабул қилиши учун хавфсизлик сертификатига эга бўлиши зарур. Сертификат Стадионлар тўғрисидаги Низомда белгиланган талаблар бажарилганидан сўнг, ЎзПФЛ томонидан берилди.

2. Хавфсизлик сертификати қуйидагилар асосида тақдим этилади ва ундан ушбу маълумотлар ўрин олади:

а) умумий тузилиши ва бинолар мустаҳкамлиги бўйича стадионнинг тоифаси;

б) хавфсизлик талабларига жавоб бериши бўйича тегишли органлар томонидан тасдиқланган акт;

с) стадион сифими бўйича батафсил маълумотнома;

д) миллий қонунчиликка асосан фавқулодда вазиятлар рўй берганида стадионни тарк этиш учун тасдиқланган эвакуация режаси;

е) ҳар бир қаватдан эҳтимолий чиқиш йўналишлари кўрсатилган рангли диаграмма;

ф) футбол учрашувини ташкил этиш бўйича тасдиқланган хавфсизлик режаси. Ундан ўйин давомида хавфсизликни таъминлаш бўйича тўлиқ ташкилий тадбирлар, жумладан, чипта сотиш тартиби, стадионда тиббий ёрдам кўрсатиш, ёнғин чиққанида ёки электр таъминотидаги узилишлар рўй берганида, шунингдек бошқа фавқулодда вазиятлар содир бўлганида қўлланиладиган барча чора-тадбирлар ўрин олиши лозим.

3. ЎзПФЛ томонидан тақдим этилган Стадионнинг хавфсизлик сертификати бир (1) йил, айрим ҳолларда икки (2) йил муддат давомида амал қилади.

I.03	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
------	-----	-----------

Стадионнинг тасдиқланган эвакуация режаси	А	А
--	----------	----------

1. Стадион тегишли органлар томонидан миллий қонунларга мувофиқ тарзда тасдиқланган фавқулдда вазиятлар вақтида стадионни тўлиқ тарк этиш имконини берадиган эвакуация режасига эга бўлиши шарт.

2. Стадионни тарк этиш бўйича барча эвакуация йўналишлари тўлиқ акс этган рангли диаграмма стадионнинг кўзга тез ташланадиган нуқталарига ўрнатилган бўлиши лозим.

3. Айти стадионга характерли эҳтимолий бахциз ходисалар таҳлили амалга оширилиши лозим.

4. Клубнинг хавфсизлик офицери, стюардлар, клуб ва стадион ходимларининг барчаси эвакуация режаси билан тўлиқ таништирилган бўлиши зарур.

I.04	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Ўқув-машғулот қароргоҳининг мавжудлиги	А	А

1. Лицензия талабгори йил давомида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши мумкин бўлган қароргоҳга эга бўлиши зарур. Лицензия талабгори:

- а) ўз тасарруфида ўқув-машғулот қароргоҳига эга бўлиши керак; ёки
- б) ўқув-машғулот қароргоҳи эгаси билан ундан йил давомида фойдаланиш бўйича шартномага эга бўлиши керак.

2. Лицензия талабгорининг барча ёш тоифасидаги жамоалари ўқув-машғулот қароргоҳидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши зарур.

I.05	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Ёшлар жамоалари учун ўқув-машғулот объектлари	В	А

1. Футболчи тарбиялаш дастурини амалга ошириш мақсадида Лицензия талабгорининг ёшлар таркиблари машғулот олиб бориши учун энг камида қуйидаги шарт-шароитга эга ўқув-машғулот объектлари бўлиши зарур:

- а) ташқи машғулот майдонлари;
- б) ёпиқ иншоотдаги машғулот ўташ заллари;
- с) кийиниш хоналари;
- д) тиббиёт хонаси.

I.06	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Стадионда ўзини тутиш қоидалари	В	А

1. Ҳар бир стадионда мухлислар учун ўзини тутиш қоидалари ишлаб чиқилган бўлиши ва бу қоидалар қисқача тарзда стадионнинг кўзга тез ташланадиган жойларида, стадион кассасида ўрнатиладиган пешлавҳаларга ёзилган бўлиши лозим. Ушбу қоидалар энг камида қуйидагиларни қамраб олиши зарур:

а) стадионга кириш тартиби;

б) стадионда тақиқланган хатти-ҳаракатлар тавсифи (майдонга чиқиб кетмаслик, майдонга буюмлар улоқтирмаслик, қўпол ёки ҳақоратловчи сўзлардан тийилиш, ирқий камситувчи сўзларни айтмаслик ва ҳоказолар);

с) стадионда чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, мушак отиш, сиёсий баннерлар кўтариш ва ҳоказоларга киритилган тақиқлар мавжудлиги.

15-боб. Ходимлар ва маъмурият мезони

Р.01	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Клуб котибияти	А	А

1. Лицензия талабгори маъмурий фаолиятни амалга ошириш учун ўз идорасига эга бўлиши зарур.

2. Клуб котибиятида зарур кўникмага эга ходимлар фаолият олиб бориши ва уларнинг энг камида бир нафари ўзбек ва инглиз тилларида сўзлаша олиши ҳамда клубнинг электрон почтасини юритиши лозим.

3. Клуб котибияти иш олиб борадиган идора зарур инфратузилма, жумладан, телефон, факс, интернетга уланган бўлиши лозим.

Р.02	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Бош директор	А	А

1. Лицензия талабгори кундалик фаолиятини йўлга қўйиш ва бошқариш учун Бош директорни тайинлаши лозим. Бош директор жамоанинг ЎЗПФЛ, ЎФА, ОФК ёки ФИФА каби ташкилотлар олдидаги масъулияти учун тўлиқ жавобгардир.

2. Бош директорнинг тайинлови Лицензия талабгорининг Низомига асосан клубнинг тегишли бошқарув органи томонидан амалга оширилиши зарур.

Р.03	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Бухгалтер	А	А

1. Лицензия талабгори клубнинг молиявий масалалари учун масъул бўлган Бухгалтерга эга бўлиши зарур.

2. Бухгалтер молия, бухгалтерия ёки иқтисодиёт соҳасида таҳсил олган бўлиши ва соҳа бўйича мутахассислик дипломига эга бўлиши лозим.

Р.04	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Хавфсизлик офицери	А	А

1. Лицензия талабгори хавфсизлик масалалари учун масъул бўлган малакали Хавфсизлик офицерига эга бўлиши зарур.

2. Хавфсизлик офицери энг камида қуйидаги малака даражаларига эга бўлиши зарур:

а) миллий қонунларга мувофиқ ҳарбий ёки ички ишлар ходими гувоҳномаси;

б) ЎФА, ЎЗПФЛ ёки давлат ташкилоти томонидан ўтказилган соҳага оид махсус ўқув курсини тамомлагани бўйича диплом ёки сертификат;

с) ички ишлар ёки жамоат тартибни сақлаш соҳасида камида бир (1) йиллик иш тажрибаси.

Р.05	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Матбуот котиби	А	А

1. Лицензия талабгори жамоатчилик билан ишлаш, турли тадбирларни ўтказиш ва клуб веб-сайтини юритишга масъул бўлган малакали Матбуот котибига эга бўлиши керак.

2. Матбуот котиби камида қуйидаги малака даражаларининг бирига эга бўлиши зарур:

а) журналист дипломи;

б) ЎФА ёки ЎЗПФЛ томонидан ўтказилган соҳа бўйича махсус ўқув курсини тамомлаганлик бўйича сертификат ёки диплом;

с) соҳа бўйича камида бир (1) йиллик иш тажрибаси.

Р.06	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Шифокор	А	А

1. Лицензия талабгори ўйинлар ва машғулотлар пайтида тиббий масалаларга, шунингдек жамоа вакилларининг допинг истеъмоллини олдини олишга масъул бўлган шифокор (лар) га эга бўлиши лозим.

2. Шифокор тиббий йўналишда таҳсил олган бўлиши ва соҳа бўйича мутахассислик дипломига эга бўлиши шарт.

3. Клуб мавсум олдидан шифокорини ЎзПФЛда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши зарур.

Р.07	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Физиотерапевт	А	А

1. Лицензия талабгори ўйинлар ва машғулотлар давомида биринчи тиббий ёрдам қутиси ва массаж учун масъул бўлган камида бир (1) нафар физиотерапевтга эга бўлиши зарур.

2. Физиотерапевт соҳа бўйича диплом ёки сертификатга эга бўлиши лозим.

3. Клуб мавсум олдидан физиотерапевтни ЎзПФЛда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши зарур.

Р.08	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Бош мураббий	А	А

1. Лицензия талабгори асосий таркиб учун жавобгар бўлган ва зарур мураббийлик дипломига эга бош мураббийни тайинлаши лозим.

2. Бош мураббий:

а) “Pro” мураббийлик дипломига эга бўлиши; ёки

б) “Pro” диплом учун ОФК томонидан тан олинган ўқув курсида таҳсил олишни бошлаган бўлиши зарур.

3. Клуб мавсум олдидан бош мураббийни ЎзПФЛда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши зарур.

Р.09	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Ёрдамчи мураббий	А	А

1. Лицензия талабгори асосий таркиб бош мураббийига барча масалаларда кўмак берувчи зарур мураббийлик дипломига эга ёрдамчи мураббийни тайинлаши зарур.

2. Ёрдамчи мураббий:

а) “А” дипломига эга бўлиши; ёки

б) “А” диплома учун ОФК томонидан тан олинган ўқув курсида таҳсил олишни бошлаган бўлиши зарур.

3. Клуб мавсум олдидан бош мураббий ёрдамчисини ЎзПФЛда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши зарур.

Р.10	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Ёшларни тарбиялаш тизими раҳбари	А	А

1. Лицензия талабгори клуб тизимида ёш футболчилар тайёрлаш дастурини амалга ошириш ва уни бошқаришга масъул бўлган, тегишли мураббийлик дипломига эга ёшларни тарбиялаш тизими раҳбарини тайинлаши лозим.

2. Ёшларни тарбиялаш тизими раҳбари:

а) “А” дипломига эга бўлиши ; ёки

б) “А” диплом учун ОФК томонидан тан олинган ўқув курсида ўқишни бошлаган бўлиши лозим;

с) ёш футболчиларни шуғуллантириш бўйича махсус курсни тамомлаган ва бу йўналишда етарли малакага эга бўлиши лозим.

Р.11	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Ёшлар жамоалари мураббийлари	А	А

1. Лицензия талабгори ҳар бир ёш тоифасидаги жамоаси учун ушбу жамоага масъул бўлган энг камида бир нафар малакали мураббийни тайинлаши зарур.

2. Ёшлар жамоалари мураббийлари:

а) U-18 жамоаси мураббийи “А” мураббийлик дипломига эга бўлиши лозим;

б) U-16 жамоаси мураббийи “В” мураббийлик дипломига эга бўлиши лозим;

с) U-14 жамоаси мураббийи “С” мураббийлик дипломига эга бўлиши лозим;

д) U-10 жамоаси мураббийи “С” мураббийлик дипломига эга бўлиши лозим.

е) ёки зарур диплом учун ОФК томонидан тан олинган ўқув курсида ўқишни бошлаган бўлиши зарур;

ф) ёшларга мураббийлик қилиш бўйича махсус тажриба ва кўникмага эга бўлиши зарур.

3. Бошқа ёшлар жамоалари мураббийлари энг камида “С” мураббийлик дипломига эга бўлишлари зарур.

4. Клуб мавсум олдидан ёшлар жамоалари мураббийларини ЎзПФЛда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши зарур.

Р.12	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Хавфсизлик ва қўриқлашни ташкил этиш	А	А

1. Лицензия талабгори уй учрашувларида хавфсизликни таъминлаш учун малакали стюардларни ёллаши зарур. Бунда:

- a) клуб стюардларни ишга олиши; ёки
- b) стадион эгаси ёхуд бирор тегишли ташкилот билан стюардлар ёллаш бўйича шартнома тузиши зарур.

Р.13	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	А	А

1. Лицензия талабгорининг барча ходимлари вазифалари, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари ёзма шаклда ишлаб чиқилган бўлиши ва ходимлар ўз меҳнат мажбуриятлари билан танишган бўлиши лозим.

Р.14	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Вакант ўринни тўлдириш мажбурияти	А	А

1. Агар мавсум давомида ушбу Регламентда санаб ўтилган лавозимлардан бири бўшаб қолса, Лицензиат кўпи билан олтмиш (60) кун ичида мазкур лавозимда бошқа малакали шахс иш бошлашини таъминлаши зарур.

2. Агар иш ўрни касаллик ёки бахциз ҳодиса тўғрисида бўшаб қолса ва ходимнинг ўз вазифаларини бажариш учун тиббий жиҳатдан қобилияти етарли асослар билан тасдиқланса, Лицензиар олтмиш (60) кунлик муддатни узайтириши мумкин.

3. Лицензия талабгори лавозимнинг бўшаб қолганлиги ва ушбу лавозимда янги мутахассис иш бошлагани тўғрисида кўпи билан етти (7) иш кун ичида ЎЗПФЛни хабардор қилиши зарур.

Р.15	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Юрисконсулт	В	А

1. Лицензия талабгори ўз фаолиятининг барча ҳуқуқий масалаларини тартибга солиш учун малакали юрисконсултни тайинлаши зарур.

2. Юрисконсулт зарур юридик малакага ва соҳа бўйича мутахассислик дипломига эга бўлиши зарур.

Р.16	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Техник директор	В	А

1. Лицензия талабгори техник директорини тайинлаши зарур.

2. Техник директор камида “А” мураббийлик дипломига эга бўлиши, шунингдек унда бошқарув ҳамда етакчилик қобилиятлари бўлиши лозим.

3. Техник директор қуйидагилар учун масъул:

- a) клуб фалсафасини ишлаб чиқиш ва/ёки амалга татбиқ этиш;
- b) ёш футболчиларни тарбиялаш тизими ва ёшлар футболни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- c) техник стандартларга риоя қилинишини назорат қилиш;
- d) клуб тизимида жорий этилган барча техник ва ривожлантириш дастурларини мониторинг қилиб бориш;
- e) ёш истеъдодларни қидириш (скаутинг);
- f) клуб академияси иш-фаолиятини мувофиқлаштириш;
- g) клубда мураббийлар ва скаутларни ишга олиш тартибини назорат қилиш;
- h) ўйинларни таҳлил қилиш жараёнларини бошқариш.

Р.17	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Дарвозабонлар мураббийи	В	В

1. Лицензия талабгори асосий таркиб учун зарур мураббийлик дипломига эга дарвозабонлар мураббийини тайинлаши керак.

2. Дарвозабонлар мураббийи:

a) ОФК мусобақаларни ўтказиш қўлланмасида мажбурий этиб белгиланган минимал мураббийлик даражаси – “Level 3” дипломига эга бўлиши лозим; ёки

б) “Level 3” мураббийлик дипломини олиш учун ОФК томонидан тан олинган ўқув курсида ўқишни бошлаган бўлиши зарур.

Р.18	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Жисмоний тайёргарлик мураббийи	В	В

1. Лицензия талабгори асосий таркиб учун тегишли мураббийлик дипломига эга жисмоний тайёргарлик мураббийини тайинлаши керак.

2. Жисмоний тайёргарлик мураббийи:

a) ОФК мусобақаларни ўтказиш қўлланмасида мажбурий этиб белгиланган минимал мураббийлик даражаси – “Level 2” дипломига эга бўлиши; ёки

б) “Level 2” мураббийлик дипломини олиш учун ОФК томонидан тан олинган ўқув курсида ўқишни бошлаган бўлиши зарур.

Р.19	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Маркетинг мутахассиси	-	А

1. Лицензия талабгори малакали маркетинг мутахассисини тайинлаши керак.

2. Маркетинг бўйича мутахассис:

а) олий маълумотга эга бўлиши лозим;

б) соҳа бўйича камида бир (1) йиллик иш тажрибасига эга бўлиши, креативлик ва киришувчанлик каби хусусиятларга эга бўлиши лозим;

с) клуб брендини шакллантириш, унинг мухлислар аудиториясини кўпайтириш, ҳомий ҳамда ҳамкорлар билан алоқаларини яхшилаш, реклама каби масалаларга жавобгардир.

16-боб. Юридик мезон

L.01	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
ЎЗПФЛ ва ОФК мусобақаларида қатнашиш бўйича декларация	А	А

1. Лицензия талабгори қуйидагиларни тасдиқловчи юридик кучга эга декларацияни тақдим этиши керак:

а) у ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎЗПФЛнинг футбол фаолиятини тартибга солиш бўйича юридик кучга эга бўлган барча низом, регламент, меъёрий ҳужжатлари ва қарорларини тан олади;

б) у ФИФА ва ОФК иштирокидаги ҳар қандай халқаро низоли вазиятларни ҳал этиш бўйича Лозаннадаги Спорт Арбитраж Судининг мутлақ юрисдикциясини тан олади;

с) ФИФА ва ОФК низомига кўра, у умумий юрисдикция судларига мурожаат қилиш тақиқланганини тан олади;

д) у миллий даражада фақатгина ЎФА томонидан тасдиқланган ва тан олинган ЎЗПФЛ мусобақаларда иштирок этиши мумкин;

е) у халқаро миқёсда ОФК ёки ФИФА тан олган мусобақаларда қатнашади. Ушбу қоида ўртоқлик учрашувларига таалуқли эмас;

ф) у Лицензиялаш Регламентида кўрсатилган шартларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

г) барча тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ва ишончли экани борасидаги масъулият Лицензия талабгорининг зиммасида эканини тан олади;

h) тақдим этилган барча ҳужжатлар тўғри ва тўлиқ;

и) Лицензиар Лицензия талабгори томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ва ҳақиқийлигини текшириш мақсадида тегишли ташкилотларга сўров юбориш ҳуқуқига эга;

j) у ЎЗПФЛ ҳамда ОФКнинг миллий даражада мувофиқлик аудитини ўтказиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолишини тан олади.

2. Мазкур декларация уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган Лицензия талабгорининг бош директори томонидан ҳужжатлар тақдим этишнинг якуний муддатидан кўпи билан уч (3) ой олдин имзоланади ва Лицензиарга тақдим қилинади.

L.02	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Юридик ҳужжатлар	А	А

1. Лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

- а) Лицензия талабгорининг амалдаги қонунчилик бўйича рўйхатдан ўтган таъсис ҳужжати нусхаси (устав);
- б) Лицензия талабгорининг юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси:
 - i. рўйхатдан ўтган номи;
 - ii. оммабоплашган номи;
 - iii. юридик манзили;
 - iv. ташкилий-ҳуқуқий шакли;
 - v. Ваколатли имзолувчиларнинг рўйхати.
- с) (тегишли ҳолларда) Лицензия талабгори ва аъзо ёки қатнашчи ўртасида тузилган келишув битми.

L.03	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Мулк ҳуқуқи ва клубларни бошқариш	А	А

1. Лицензия талабгори клубни бошқариш механизми ва мулкчилик шакли аниқ кўрсатилган тегишли ҳужжатни тақдим этиши лозим. Бундай декларация қуйида келтирилган шартларнинг мувофиқлигини таъминланиши керак.

Клуб бошқарувида, маъмуриятда ва/ёки клуб спорт фаолиятида қатнашадиган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс бевосита ёки билвосита:

- а) айна мусобақада қатнашаётган бошқа клубнинг қимматли қоғозлари, акциялари ёки улушининг эгаси бўлмаслиги ва улар билан ишламаслиги зарур;
- б) айна мусобақада қатнашаётган бошқа клубнинг акционерлари ичида кўпчилик овозга эга бўлмаслиги керак;
- с) айна мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубнинг бошқаруви, маъмурияти ва кузатув органидан кимнидир ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги лозим;
- д) бошқа бир клуб акцияларига (улушларига), гарчи қолган акциядорлар билан келишган тақдирида ҳам, эгалик қила олмайди;

- e) айна мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубнинг вакили ёки аъзоси бўлмаслиги шарт;
- f) айна мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубнинг маъмурияти, бошқарувида ишламаслиги ва/ёки спорт ютуқларида, фаолиятида иштирок этмаслиги зарур;
- g) айна мусобақада қатнашаётган бошқа бир клубда ҳар қандай таъсир кучига эга бўлмаслиги шарт.

2. Мазкур декларация уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган Лицензия талабгорининг бош директори томонидан ҳужжатлар тақдим этишнинг якуний муддатидан кўпи билан уч (3) ой олдин имзоланади ва Лицензиарга тақдим қилинади.

L.04	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Компаниялар гуруҳи тузилмаси ва асосий назорат қилувчи	А	А

1. Лицензия талабгори Лицензиарга ҳужжатлар тақдим этишнинг якуний муддати олдиндан ўзининг юридик гуруҳ структураси тўғрисидаги маълумотни топшириши зарур. У раҳбарият томонидан тасдиқланган бўлиши ва схема ёки диаграмма кўринишида тақдим этилиши керак. Лицензиар Лицензия талабгорининг умумий гуруҳ тузилмасига алоқадор юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай ўзгаришлардан хабардор этилиши шарт.

2. Ушбу ҳужжат қуйидагилар тўғрисидаги маълумотни аниқ ифода этиши зарур:

a) Лицензия талабгори ёки айрим ҳолларда ЎЗПФЛ аъзоси ёхуд қатнашчиси тўғрисида;

b) Лицензия талабгорининг ҳар қандай филиали ёки шўба корхонаси тўғрисида;

c) Лицензия талабгорига алоқадор ҳар қандай компания бирлашмаси ёки қўшма корхона тўғрисида;

d) Лицензия талабгорини бевосита ёки билвосита бошқарувчи ёки назорат қилувчи ҳар қандай ташкилот тўғрисида;

e) Лицензия талабгорининг 10 фоиз ёки ундан ортиқ эгалик ҳуқуқига ёхуд овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳар қандай субъект тўғрисида;

f) Лицензия талабгори учун сеъзиларли таъсирга эга ҳар қандай субъект тўғрисида;

g) (a) дан (f) гача бўлган бандларда кўзда тутилган исталган томоннинг мулк ҳуқуқи, овоз бериш ҳуқуқи ёки бошқаруви ва молиявий сиёсатига таъсири бор бўлган бошқа ҳар қандай футбол клуби тўғрисида;

h) молиявий мезонда назарда тутилган ҳисобот бериш доираси ҳам айна ҳужжатда аниқ кўрсатилиши керак.

3. Зарур ҳолларда Лицензиар Лицензия талабгори/Лицензиатдан юқорида санаб ўтилган маълумотлардан ташқари қўшимча ҳужжатлар ҳам тақдим этишни сўраши мумкин

4. Юридик гуруҳ тузилмасига киритилган барча субектларга оид қўйидаги маълумотлар тақдим этилиши керак:

- a) юридик шахс номи;
- b) юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли;
- c) юридик шахснинг асосий фаолият тури;
- d) эгалик қилинадиган фоизлар (ёки, эгалик қилинадиган овозлар фоизи).

5. Лицензия талабгори/Лицензиатнинг ҳар қандай филиал ёки шўба корхонаси бўйича қўйидаги маълумотлар тақдим этилиши зарур:

- a) устав капитали;
- b) умумий активлари;
- c) умумий даромадлар;
- d) жами капитали.

L.05			ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Профессионал шартномалар	футболчилар	билан	А	А

1. Лицензия талабгори профессионал футболчилари билан ФИФАнинг Футболчилар мақоми ва трансфери бўйича Регламенти қоидаларига мувофиқ миллий қонунчилик, ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎЗПФЛ норматив ҳужжатларига зид бўлмаган шартлар асосида шартнома тузиши керак.

L.06			ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Одоб-ахлоқ ва тартиб-интизом масаласи			В	В

1. Лицензия талабгори ФИФА, ОФК, ЎФА ҳамда ЎЗПФЛ норматив ҳужжатлари, шунингдек тегишли миллий қонунчиликка мувофиқ ўйинчилар ва жамоа расмийлари учун Одоб-ахлоқ қоидалари мажмуини ишлаб чиқиши лозим.

2. Клубнинг Одоб-ахлоқ қоидалари мажмуи ижросини таъминлаш мақсадида Лицензия талабгори Ўзбекистон қонунчилиги, ФИФА, ОФК, ЎФА ҳамда ЎЗПФЛ норматив ҳужжатларига мувофиқ тарзда клубнинг ички Тартиб-интизом кодексини ҳам ишлаб чиқиши талаб этилади. Ушбу кодексда кўрсатилган бандларнинг бузилиши белгиланган тартибда ваколатли орган томонидан санкцияларга тортишга сабаб бўлиши мумкин.

1. Ҳисобот берувчи ташкилот ва ҳисобот тартиби

а) Лицензия талабгори ҳисобот тайёрлаш доирасини белгилайди ва ўз тузилмасидан келиб чиққан ҳолда ягона ёки бир нечта юридик шахснинг молиявий маълумотларини яқка ёхуд умумлаштирилган молиявий ҳисоботлар тарзида Лицензиарга тақдим этади.

б) Ҳисобот тайёрлаш доираси қуйидагиларни қамраб олиши зарур:

- i. Лицензия талабгори ёки айрим ҳолларда ЎзПФЛнинг аъзо ёхуд қатнашчиси;
- ii. Лицензия талабгорининг ҳар қандай шўба корхонаси;
- iii. кейинги с банднинг iii.дан х.гача бўлган пунктларида қайд этилган футболга оид жараёнлардан даромад оладиган ва/ёки хизматлар кўрсатадиган ва/ёки харажатларни қоплайдиган Лицензия талабгорининг компаниялар гуруҳи тузилмасига киритилган ҳар қандай юридик шахс ёки субъект;
- iv. Лицензия талабгорининг компаниялар гуруҳи тузилмасига киритилган ёки киритилмаганидан қатъий назар кейинги с банднинг i. ва ii. пунктларида қайд этилган футболга оид жараёнлардан даромад оладиган ва/ёки хизматлар кўрсатадиган ва/ёки харажатларни қоплайдиган ҳар қандай юридик шахс ёки субъект.

с) Футболга оид жараёнлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- i. F.04 бандда белгиланганидек ходимларни ёллаш / ишга олиш, шу жумладан ходимларга шартнома мажбуриятлардан келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш;
- ii. футболчиларни сотиб олиш ёки сотиш (шу жумладан ижарага бериш ёки олиш ҳам);
- iii. чипталар сотуви;
- iv. ҳомийлик ва рекламалар;
- v. ўйинлар трансляцияси;
- vi. мерчендайзинг;
- vii. клуб фаолияти (хусусан, маъмурий ишлар, ўйин кунги тадбирлар, сафарлар, скаутлик фаолияти ва ҳоказо);
- viii. молиялаштириш (Лицензия талабгорининг барча активларини ўз ичига олади);
- ix. стадион ва ўқув-машғулот қароргоҳидан фойдаланиш ва уларни бошқариш;
- x. ёшлар сектори.

д) Ҳар қандай юридик шахс ёки субъект фақатгина қуйидаги ҳолларда ҳисобот тайёрлаш доирасидан чиқарилиши мумкин:

- i. унинг фаолияти юқоридаги с бандда қайд этилган футболга оид жараёнлар ва футбол клубининг активлари ҳамда бренди билан умуман боғлиқ бўлмаса;
 - ii. ҳисобот тайёрлаш доирасига киритиладиган барча субектлар билан таққослаганда даража жиҳатидан аҳамияти бўлса ва у с банднинг i. ва ii. пунктларида қайд этилган футболга оид жараёнлар билан шуғулланмаса;
 - iii. у амалга оширадиган футбол фаолияти аллақачон ҳисобот тайёрлаш доирасига киритилган бошқа субектнинг молиявий ҳисоботида тўлиқ акс этган бўлса.
- е) Лицензия талабгори ваколатли шахс томонидан имзоланган қуйидагиларни тасдиқловчи декларацияни тақдим этиши керак:
- i. с бандда қайд этилган барча футболга оид жараёнлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисобот тайёрлаш доирасига киритилган ва молиявий ҳисоботларда уларга батафсил изоҳ берилганлиги;
 - ii. агар Лицензия талабгорининг компаниялар гуруҳи тузилмасига кирадиган бирор субект ҳисобот тайёрлаш доирасидан ўрин олмаган бўлса, d бандга асосан бунинг сабаблари кўрсатилганлиги.

F.01	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Аудит текширувидан ўтказилган охириги йиллик молиявий ҳисоботлар	А	А

1. Лицензия талабгорининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назат у миллий қонунчиликка мувофиқ равишда йиллик молиявий ҳисобот тайёрлаши керак. Ушбу ҳисобот мустақил аудиторлар томонидан текширилган бўлиши лозим.

2. Аудит текширувидан ўтказилган молиявий ҳисоботлар муайян якуний санага қадар Лицензиарга тақдим этилиши ва ундан қуйидагилар ўрин олган бўлиши лозим:

- a) Бухгалтерия баланси;
- b) Фойда ва зарарлар ҳисоби (Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот);
- c) Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- d) бухгалтерия ҳисоби юритилишининг қисқа тавсифи ҳамда бошқа қўшимча маълумотлар;
- e) молиявий бошқарув таҳлили.

3. Аудит текширувидан ўтказилган охириги йиллик молиявий ҳисоботлар Лицензия талабгори ва Лицензиар ўртасида сир сақланиши ҳамда улар ОФКнинг Клубларни лицензиялаш бўйича молиявий қўлланмасида

белгиланган бухгалтерия тамойилларига ва ундаги минимум талабларга жавоб бериши зарур.

4. Аудит текширувидан ўтказилган охириги йиллик молиявий ҳисоботлар ОФКнинг Клубларни лицензиялаш бўйича молиявий қўлланмасида белгиланган минимал талабларга ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойилларига жавоб бермаса, Лицензия талабгори қўшимча молиявий ҳисоботларни тайёрлаб, дастлаб аудиторга, аудитор шу иш бўйича ўз хулосасини берганидан сўнг эса Лицензиарга тақдим этиши лозим.

F.02	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Текширувдан ўтган оралиқ молиявий ҳисобот	А	А

1. Белгиланган муайян якуний сана ва ОФКга лицензиялаш жараёни якунлари тақдим этиладиган муддат оралиғи олти (6) ойдан кўпроқ бўлса, Лицензия талабгори оралиқ даврни қамраб олувчи қўшимча молиявий ҳисоботларни тайёрлайди ва Лицензиарга тақдим этади.

2. Оралиқ молиявий ҳисобот лицензиялаш қарорлари рўйхати ОФКга тақдим этиладиган муддатдан олдинги олти (6) ой ичидаги оралиқ даврни қамраб олиши ва мустақил аудитор томонидан кўриб чиқилиши ёки текширилиши керак.

3. Оралиқ молиявий ҳисобот ОФКнинг Клубларни лицензиялаш бўйича молиявий қўлланмасида белгиланган минимал талабларга ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойилларига жавоб бериши керак.

F.03	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Трансферлар бўйича бошқа клублар олдида муддати ўтган қарздорликларнинг йўқлиги	А	А

1. Лицензия талабгори трансферлар бўйича бошқа клублар олдида муддати ўтган қарздорликларнинг йўқ эканини жорий мавсумнинг 30 июн санасига қадар исботлай олиши лозим ёхуд мос равишда 31 августга қадар қарзни тўлиқ тўлаши, ўзаро икки томонлама келишув асосида қарз тўлаш муддатини чўздириши ёки тегишли ваколатли органга ушбу низо асосиз экани бўйича даъво берган бўлиши керак.

F.04	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Ходимлар, солиқ органлари ва бошқа ташкилотлар олдида муддати ўтган қарздорликларнинг йўқлиги	А	А

1. Лицензия талабгори шартномадаги меҳнат ва ҳуқуқий мажбуриятлари асосида ўзининг ҳозирги ва собиқ ходимлари, шунингдек солиқ ва бошқа идорлар олдида муддати ўтган қарздорликларнинг йўқ эканини жорий мавсумнинг 30 июн санасига қадар исботлай олиши лозим ёхуд мос равишда 31 августга қадар қарзни тўлиқ тўлаши, ўзаро икки томонлама келишув асосида қарз тўлаш муддатини чўздириши ёки тегишли ваколатли органга ушбу низо асоссиз экани бўйича даъво берган бўлиши керак.

2. "Ходимлар" атамаси энг камида қуйидагиларни назарда тутати:

а) ФИФАнинг Футболчилар мақоми ва трансфери бўйича Регламентига мувофиқ барча профессионал ўйинчилар;

б) Регламентда қайд этилган маъмурий, техник, тиббиёт ва хавфсизлик ходимлари.

с) шунингдек, клуб билан меҳнат шартномаси имзолаган бошқа йўналиш мутахассислари.

F.05	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Лицензиялаш қарори чиқиши олдидан ёзма ариза	А	А

1. Лицензиялаш қўмитасининг якуний қарори қабул қилинадиган сана олдидан етти (7) кун муддат ичида Лицензия талабгори Лицензиарга ёзма равишда ариза тақдим этиши лозим.

2. Лицензия талабгорининг ёзма аризаси қуйидагиларни тасдиқлайди:

а) Лицензиарга тақдим этилган барча ҳужжатлар тўлиқ ва тўғрилигини;

б) клубда лицензиялаш мезонларига алоқадор сезиларли ўзгаришларнинг содир бўлган ёки бўлмаганлигини;

с) аудит текширувидан ўтказилган охириги йиллик молиявий ҳисоботлар ҳамда оралиқ молиявий ҳисоботдан ўрин олган баланс кунидан буён Лицензия талабгорининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли мавжуд жиддий иқтисодий аҳамиятга эга ҳодиса рўй берган ёки бермаганлиги. Агар жиддий иқтисодий аҳамиятга эга ҳар қандай ҳодиса рўй берган бўлса, ёзма аризада унинг тавсифи ва молиявий таъсири бўйича маълумот тақдим этилиши керак;

д) Лицензия талабгори ёки Лицензия талабгорининг ҳисобот тайёрлаш доирасига киритилган ҳар қандай компания сўнги 12 ой ичида қонунчиликка асосан кредиторлардан ёрдам олган ёки олмаганлигини.

3. Ёзма аризанинг раҳбарият томонидан тасдиқланганига далил сифатида унга Лицензия талабгорининг ижро органи номидан имзо қўйилган бўлиши керак.

F.06	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Келгуси молиявий ахборот	А	А

1. Лицензия талабгори агар 2-бандда қайд этилган кўрсаткичлардан бирида камчиликларга эга бўлса, у камида лицензия мавсумининг охирига қадар фаолият юритишини кафолатлашини билдириш мақсадида келгуси молиявий ахборотни тайёрлаши ва тақдим этиши керак.

2. Агар Лицензия талабгори ҳисоботларида қуйидаги кўрсаткичларда тавсифланган белгилар кузатилса, у ушбу кўрсаткични бузган ҳисобланади:

а) Кўрсаткич 1: Фаолиятни давом эттириш масаласи

F.01 ва F.02 бандларга биноан тақдим этилган аудит текширувидан ўтказилган йиллик ёки оралиқ молиявий ҳисоботларга илова тарзида аудиторлик ҳисоботида ёки хулосасида масаланинг аҳамиятини тўлиқ очиб бериш зарурияти юзага келган қўшимча маълумотлар мавжуд бўлса;

б) 2-кўрсаткич: Салбий капитал

F.01 бандга мувофиқ тақдим этилган аудит текширувидан ўтказилган йиллик молиявий ҳисобот (шу жумладан, зарур ҳолатларда қўшимча маълумот) дан ўрин олган кўрсаткичлар ўтган йилги аудит текширувидан ўтказилган йиллик молиявий ҳисобот билан таққослаганда салбий кўриниш олса, ёки F.02 бандга мувофиқ тақдим этилган оралиқ молиявий ҳисоботдаги кўрсаткичлар белгиланган муайян якуний санадаги кўрсаткичларга нисбатан ёмонлашган бўлса.

3. Келгуси молиявий ахборот аудит текширувидан ўтган йиллик молиявий ҳисоботларнинг муайян якуний санасидан кейинги ёки оралиқ молиявий ҳисоботларнинг баланс санасидан кейин бошланган даврни ва камида Лицензия мавсуми якунигача бўлган муддатни қамраб олиши керак.

4. Келгуси молиявий ахборот қуйидагилардан иборат бўлади:

а) олдинги молиявий йил ва оралиқ давр билан солиштирма кўрсаткичлар акс этган фойда ва зарарлар ҳисоби (даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳаси);

б) олдинги молиявий йил ва оралиқ давр билан солиштирма кўрсаткичларни ўз ичига олган пул оқими ҳисоби (пул воситалари ҳаракати ҳақида ҳисобот лойиҳаси);

с) даромадлар ва харажатлар, пул оқими ҳисоби тўғрисидаги ҳисоботни тузишда инобатга олинган ҳар қандай муҳим эҳтимолий жиҳатларнинг қисқача тавсифи изоҳи, шунингдек келгусида молиявий ҳолатга таъсир қилиши эҳтимоли мавжуд воқеалар.

5. Келгуси молиявий ахборот чораклар кесимида тайёрланиши керак.

6. Келгуси молиявий ахборот аудит текширувидан ўтказилган охириги йиллик молиявий ҳисоботлар билан изчил равишда тайёрланиши ва айна ўша

йиллик молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланилган бухгалтерия юритиш ҳисоби тартибида ишлаб чиқиши лозим.

7. Келгуси молиявий ахборот ОФКнинг Клубларни лицензиялаш бўйича молиявий қўлланмасида белгиланган минимал талабларга ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойилларига жавоб бериши керак.

8. Келгуси молиявий ахборотнинг раҳбарият томонидан тасдиқланганига далил сифатида унга Лицензия талабгорининг ижро органи номидан имзо қўйилган бўлиши ва илова тарзида қисқа изоҳ ёзилган бўлиши керак.

КЕЛГУСИ МАЪЛУМОТ

F.08 ва F.09 бандлар Лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг қўлланилади. F.08 барча Лицензиатларга нисбатан қўлланилади. F.09 эса фақатгина тақдим этилган ҳужжатларда камчиликка йўл қўйган Лицензиатларга нисбатан қўлланилади

F.08	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Келгуси ҳодислар тўғрисида хабар бериш мажбурияти	А	А

1. Лицензиялаш қўмитасининг якуний қароридан сўнг Лицензиат унинг камида Лицензия тақдим этилган мавсумнинг охирига қадар фаолиятини давом эттиришига жиддий таъсир ўтказиши мумкин бўладиган бирор воқеа рўй берса, у бу ҳақда Лицензиарни ёзма равишда дарҳол хабардор қилиши мажбуриятини олади.

2. Лицензиатнинг ушбу мезонга мувофиқлик иш юритиши Лицензиар томонидан назорат қилинади.

F.09	ОФК	ЎФА/ЎЗПФЛ
Келгуси молиявий ахборотни янгилаш мажбурияти	А	А

1. Агар Лицензиат қуйидаги кўрсаткичлардан бирини ёки бир нечтасини бузса, у ҳолда Лицензиат келгусидаги молиявий ахборотни янгилаши (F.06 га биноан) лозим бўлади. Бундан ташқари, тайёрланган ахборот бюджетни айти вақтдаги аниқ кўрсаткичлар билан таққослаш, шу жумладан фарқлар бўйича изоҳларни ўз ичига олиши лозим. Келгуси молиявий ахборотнинг янгиланган талқини камида олти (6) ой муддат асосида тайёрланиши зарур.

1- Фаолиятни давом эттириш масаласи

F.01 ва F.02 бандларга биноан тақдим этилган аудит текширувидан ўтказилган йиллик ёки оралиқ молиявий ҳисоботларга илова тарзида

аудиторлик ҳисоботида ёки хулосасида масаланинг аҳамиятини тўлиқ очиб бериш зарурияти юзага келган қўшимча маълумотлар мавжуд бўлса;

2-кўрсаткич: Салбий капитал

F.01 бандга мувофиқ тақдим этилган аудит текширувидан ўтказилган йиллик молиявий ҳисобот (шу жумладан, зарур ҳолатларда қўшимча маълумот) дан ўрин олган кўрсаткичлар ўтган йилги аудит текширувидан ўтказилган йиллик молиявий ҳисобот билан таққослаганда салбий кўриниш олса, ёки F.02 бандга мувофиқ тақдим этилган оралиқ молиявий ҳисоботдаги кўрсаткичлар белгиланган муайян якуний санадаги кўрсаткичларга нисбатан ёмонлашган бўлса.

2. Янгиланган келгуси молиявий ахборот ОФКнинг Клубларни лицензиялаш бўйича молиявий қўлланмасида белгиланган минимал талабларга ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойилларига жавоб бериши керак.

3. Ушбу мезонга мувофиқлик кейинги лицензиялаш цикли олдидан Лицензиар томонидан баҳоланади.

18-боб. ОФК аёллар чемпионлар лигаси учун клубларни лицензиялаш мезонлари

Лицензия талабгори ОФК аёллар чемпионлар лигасида қатнашиш ҳуқуқини берувчи Лицензияга эга бўлиш учун қуйидаги лицензиялаш мезонларини бажариши лозим:

Спорт мезони

1. Ёшлар жамоалари

а. Лицензия талабгори камида битта U-15 ёки U-16 ёки U-17 қизлардан иборат ёшлар жамоасига эга бўлиши зарур.

б. Ёшлар жамоаси ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган миллий чемпионатда иштирок этиши лозим.

2. Ўйинчиларнинг тиббий текшируви

а. Лицензия талабгори рўйхатдан ўтган барча ўйинчиларнинг тиббий хизмат билан таъминланишини кафолатлаши лозим. Бу ўз ичига камида қуйидаги шартларни қамраб олади:

- i. Асосий таркибнинг ҳар бир ўйинчиси учун юрак қон-томир скринингини қамраб олган ҳар йилги тиббий текширув;
- ii. 12 ёшдан юқори барча ўйинчилар учун йиллик тиббий текширув.

3. Футболчиларни рўйхатдан ўтказиш

а. Лицензия талабгорининг 12 ёшдан юқори бўлган барча футболчилари ФИФАнинг Футболчилар мақоми ва трансфери бўйича регламенти қоидаларига мувофиқ ЎзПФЛда рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Инфратузилма мезони

4. Мусобақаларни ўтказиш учун тасдиқланган стадион

а. Лицензия талабгори ЎзПФЛ ҳамда ОФК мусобақалари доирасидаги уй учрашувларини ўтказиш учун стадионга эга бўлиши зарур. Лицензия талабгори:

i. Ўз стадионига эга бўлиши лозим; ёки

ii. стадион эгаси билан ундан фойдаланиш бўйича шартномага эга бўлишлари зарур. Ушбу шартнома келгуси мавсумда ҳам Лицензия талабгорининг стадиондан фойдаланишини кафолатлаши зарур.

б. Стадион қуйидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб бериши лозим:

i. Стадионлар тўғрисидаги Низом;

ii. Мусобақалар Регламенти;

с. Стадион мавсум олдидан ЎзПФЛ томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиши ва Лицензия талабгори шарафини ҳимоя қилувчи шаҳарда жойлашган бўлиши лозим.

5. Ўқув-машғулот қароргоҳининг мавжудлиги

Лицензия талабгори йил давомида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши мумкин бўлган қароргоҳга эга бўлиши зарур. Лицензия талабгори:

i. ўз тасарруфида ўқув-машғулот қароргоҳига эга бўлиши керак; ёки

ii. ўқув-машғулот қароргоҳи эгаси билан ундан йил давомида фойдаланиш бўйича шартномага эга бўлиши керак.

Ходимлар ва маъмурият мезон

6. Клуб котибияти

а. Лицензия талабгори маъмурий фаолиятни амалга ошириш учун ўз идорасига эга бўлиши зарур.

б. Клуб котибиятида зарур кўникмага эга ходимлар фаолият олиб бориши ва уларнинг энг камида бир нафари ўзбек ва инглиз тилларида сўзлаша олиши ҳамда клубнинг электрон почтасини юритиши лозим.

с. Клуб котибияти иш олиб борадиган идора зарур инфратузилма, жумладан, телефон, факс, интернетга уланган бўлиши лозим.

7. Менежер

а. Лицензия талабгори аёллар футболи билан боғлиқ оператив масалалар учун мас'ул бўлган менежерни тайинлаган бўлиши керак.

8. Шифокор

а. Лицензия талабгори ўйинлар ва машғулотлар пайтида тиббий масалаларга, шунингдек жамоа вакилларининг допинг истеъмолини олдини олишга мас'ул бўлган камида бир нафар шифокорга эга бўлиши лозим.

б. Шифокор тиббий йўналишда таҳсил олган бўлиши ва соҳа бўйича мутахассислик дипломига эга бўлиши шарт.

с. Клуб мавсум олдидан шифокорини ЎзПФЛда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши зарур.

9. Физиотерапевт

а. Лицензия талабгори ўйинлар ва машғулотлар давомида биринчи тиббий ёрдам қутиси ва массаж учун мас'ул бўлган камида бир (1) нафар физиотерапевтга эга бўлиши зарур.

б. Физиотерапевт соҳа бўйича диплом ёки сертификатга эга бўлиши лозим.

с. Клуб мавсум олдидан физиотерапевтни ЎзПФЛда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши зарур.

Қўшимча талаб: Шифокор ёки физиотерапевтлар ичида камида бир (1) нафари аёл киши бўлиши керак.

10. Аёллар жамоасининг бош мураббийи

а. Лицензия талабгори аёллар жамоаси учун жавобгар бўлган ва зарур мураббийлик дипломига эга бош мураббийни тайинлаши лозим.

б. Бош мураббий:

i. "А" мураббийлик дипломига эга бўлиши; ёки

ii. "А" диплом учун ОФК томонидан тан олинган ўқув курсида таҳсил олишни бошлаган бўлиши зарур.

с. Клуб мавсум олдидан бош мураббийни ЎзПФЛда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши зарур.

11. Ёшлар мураббийи

а. Лицензия талабгори ёшлар жамоаси учун мас'ул бўлган энг камида бир нафар малакали мураббийни тайинлаши зарур.

б. Ёшлар мураббийи камида "В" мураббийлик дипломига эга бўлиши;

12. Ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва бурчлар

а. 6-11 бандларда келтирилган Лицензия талабгорининг барча ходимлари вазибалари, уларнинг ҳуқуқ ва ваколалари ёзма шаклда ишлаб чиқилган бўлиши ва ходимлар ўз меҳнат мажбуриятлари билан танишган бўлиши лозим.

13. Вакант ўринни тўлдириш мажбурияти

а. Агар мавсум давомида 6-11 бандларда санаб ўтилган лавозимлардан бири бўшаб қолса, Лицензиат кўпи билан олтамиш (60) кун ичида мазкур лавозимда бошқа малакали шахс иш бошлашни таъминлаши зарур.

б. Агар иш ўрни касаллик ёки бахқиз ҳодиса тўфайли бўшаб қолса ва ходимнинг ўз вазибаларини бажариш учун тиббий жиҳатдан қобилияцизлиги етарли асослар билан тасдиқланса, Лицензиар олтамиш (60) кунлик муддатни узайтириши мумкин.

с. Лицензия талабгори лавозимнинг бўшаб қолганлиги ва ушбу лавозимда янги мутахассис иш бошлагани тўғрисида кўпи билан етти (7) иш куни ичида ЎзПФЛни хабардор қилиши зарур.

Юридик мезон

14. ОФК аёллар чемпионлар лигасида қатнашиш бўйича декларация

а. Лицензия талабгори қуйидагиларни тасдиқловчи юридик кучга эга декларацияни тақдим этиши керак:

- i. у ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎзПФЛнинг футбол фаолиятини тартибга солиш бўйича юридик кучга эга бўлган барча низом, регламент, меъёрий ҳужжатлари ва қарорларини тан олади;
- ii. у ФИФА ва ОФК иштирокидаги ҳар қандай халқаро низоли вазиятларни ҳал этиш бўйича Лозаннадаги Спорт Арбитраж Судининг мутлақ юрисдикциясини тан олади;
- iii. ФИФА ва ОФК низомига кўра, у умумий юрисдикция судларига мурожаат қилиш тақиқланганини тан олади;
- iv. у миллий даражада фақатгина ЎФА томонидан тасдиқланган ва тан олинган ЎзПФЛ мусобақаларда иштирок этиши мумкин;
- v. у халқаро миқёсда ОФК ёки ФИФА тан олган мусобақаларда қатнашади. Ушбу қоида ўртоқлик учрашувларига тааллуқли эмас;
- vi. у Лицензиялаш Регламентида кўрсатилган шартларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;
- vii. барча тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ва ишончли экани борасидаги масъулият Лицензия талабгорининг зиммасида эканини тан олади;
- viii. тақдим этилган барча ҳужжатлар тўғри ва тўлиқ;

- ix. Лицензиар Лицензия талабгори томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ва ҳақиқийлигини текшириш мақсадида тегишли ташкилотларга сўров юбориш ҳуқуқига эга;
- x. у ЎзПФЛ ҳамда ОФКнинг миллий даражада мувофиқлик аудитини ўтказиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолишини тан олади.

b. Мазкур декларация уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган Лицензия талабгорининг бош директори томонидан ҳужжатлар тақдим этишнинг якуний муддатидан кўпи билан уч (3) ой олдин имзоланади ва Лицензиарга тақдим қилинади.

15. Профессional футболчилар билан шартномалар

a. Лицензия талабгори профессионал футболчилари билан ФИФАнинг Футболчилар мақоми ва трансфери бўйича Регламенти қоидаларига мувофиқ миллий қонунчилик, ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎзПФЛ норматив ҳужжатларига зид бўлмаган шартлар асосида шартнома тузиши керак.

16. Юридик ҳужжатлар

Лицензия талабгори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

- a. Лицензия талабгорининг амалдаги қонунчилик бўйича рўйхатдан ўтган таъсис ҳужжати нусхаси (устав);
- b. Лицензия талабгорининг юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси:
 - i. рўйхатдан ўтган номи;
 - ii. оммабоплашган номи;
 - iii. юридик манзили;
 - iv. ташкилий-ҳуқуқий шакли;
 - v. ваколатли имзолувчиларнинг рўйхати;
 - vi. имзо тури (масалан, якка, жамоавий).
- c. (тегишли ҳолларда) Лицензия талабгори ва аъзо ёки қатнашчи ўртасида тузилган келишув битми.

Молиявий мезон

17. Аудит текширувидан ўтказилган охириги йиллик молиявий ҳисоботлар

a. Лицензия талабгорининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назат у миллий қонунчиликка мувофиқ равишда йиллик молиявий ҳисобот тайёрлаши керак. Ушбу ҳисобот мустақил аудиторлар томонидан текширилган бўлиши лозим.

b. Аудит текширувидан ўтказилган молиявий ҳисоботлар муайян якуний санага қадар Лицензиарга тақдим этилиши ва ундан қўйидагилар ўрин олган бўлиши лозим:

- i. Бухгалтерия баланси;
- ii. Фойда ва зарарлар ҳисоби (Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот);
- iii. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- iv. бухгалтерия ҳисоби юритилишининг қисқа тавсифи ҳамда бошқа қўшимча маълумотлар;
- v. молиявий бошқарув таҳлили.

c. Аудит текширувидан ўтказилган охириги йиллик молиявий ҳисоботлар Лицензия талабгори ва Лицензиар ўртасида сир сақланиши ҳамда улар ОФКнинг Клубларни лицензиялаш бўйича молиявий қўлланмасида белгиланган бухгалтерия тамойилларига ва ундаги минимум талабларга жавоб бериши зарур.

d. Аудит текширувидан ўтказилган охириги йиллик молиявий ҳисоботлар ОФКнинг Клубларни лицензиялаш бўйича молиявий қўлланмасида белгиланган минимал талабларга ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойилларига жавоб бермаса, Лицензия талабгори қўшимча молиявий ҳисоботларни тайёрлаб, дастлаб аудиторга, аудитор шу иш бўйича ўз хулосасини берганидан сўнг эса Лицензиарга тақдим этиши лозим.

18. Йиллик бюджет

a. Лицензия талабгори мавсум бошланишидан аввал йиллик бюджетни тақдим этиши керак.

b. У қўйидагилардан иборат бўлиши зарур:

- i. келаётган молиявий йил учун прогноз қилинган даромад;
- ii. келгуси молиявий йилда прогноз қилинаётган харажатлар;
- iii. келгуси молиявий йил учун режалаштирилган барча молиявий манбалар, шунингдек, уларнинг миқдори;
- iv. келгуси молиявий йил учун режалаштирилган харажатларнинг барча манбалари ва миқдори.

19. Футбол клублари, ходимлар, солиқ органлари ҳамда бошқа ташкилотлар олдида муддати ўтган қарздорликларнинг йўқлиги

a. Лицензия талабгори шартномадаги меҳнат ва ҳуқуқий мажбуриятлари асосида ўзининг ҳозирги ва собиқ ходимлари, шунингдек солиқ ва бошқа идорлар, қолаверса бошқа футбол клублари олдида муддати ўтган қарздорликларнинг йўқ эканини исботлай олиши лозим.

19-боб. Якуний қоидалар**1. ЎзПФЛнинг Клубларни лицензиялаш бўлими**

ЎзПФЛнинг Клубларни лицензиялаш бўлими ушбу Регламентга қўшимча иловаларни ишлаб чиқади ва Лицензия талабгорларига тақдим этади.

2. Регламентдан истисно масалаларни кўриб чиқиш тартиби

Ушбу Регламентда кўрсатилмаган масалалар Лицензиялаш қўмитаси тасдиғидан ўтади ва сўнг қарор қабул қилинади.



UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE